



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI KATTAQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING QARORI**

**Kattaqo‘rg‘on t., A.Navoiy k., 1-uy.**

2021 - yil 8 - iyul

4-7-96-Q/21

Kattaqo‘rg‘on tuman hokimligi

**Самарқанд вилояти ҳокимининг 2021-йил 5-июлдаги № 3-7-0-Қ/21 сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 25-июндаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 393-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 25-июндаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 393-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019-йил 28-январдаги ПФ-5643-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2019-йил 28-январдаги ПҚ-4135-сон қарорига мувофиқ Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6- ва 25-моддаларига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 25-июндаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги 393-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вилоят ҳокимининг 2018-йил 27-августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 16-августдаги 668-сонли “Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда” 578-Қ-сонли қарори 4-банддаги “Қўмитасига” сўзи “Вазирликка” сўзи билан алмаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.
3. Туман ҳокимининг 2018-йил 18-февралдаги “Вилоят ҳокимининг 2017-йил 25-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017-йил 21-декабрдаги 1006-сон қарори тўғрисида”ги 757-Қ-сонли қарори”

тўғрисидаги 162-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Тумандаги тегишли корхона ва ташкилотлар ўн кун муддатда ўзлари қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Баратов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ж.Насриддинов